Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 29 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 268–269 (13.331–13.332)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси қисқа даврдаги фаолияти давомида аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш имконини берувчи, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқаруви органлари, барча даражадаги ҳокимиятлар билан фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали механизмига айланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, мурожаатларнинг аксарият қисми тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига халақит бераётган тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, қонунчиликка зид бўлган идоравий қарорларни бекор қилиш, ишга жойлашиш, соғлиқни сақлаш, банк кредитларидан эркин фойдаланиш, уй-жой-коммунал ва йўл-транспорт хизматлари сифатини яхшилаш масалалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг фаолияти юзасидан келиб тушмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси фаолияти давлат органларининг мурожаатлар билан боғлиқ ишни ташкил этишда уларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатларига, расмиятчилик, бюрократизм ва сансалорлик ҳолатларига доир қатор тизимли камчиликларни аниқлади.

2017 йил "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилингани муносабати билан ҳамда аҳолининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси иши тўғрисидаги кўплаб ижобий фикрларини эътиборга олиб, барча даражадаги давлат органлари фаолиятида "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойилни амалда қарор топтириш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар тузилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси – Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизида;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари (бундан буён – Халқ қабулхоналари) – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек ҳар бир туман ва шаҳарда (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси (бундан буён – Виртуал қабулхона).

2. Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонанинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (бундан буён – мурожаатлар) билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими фаолиятини таъминлаш;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига, Ҳукуматга, давлат бошқаруви органларига, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа давлат ташкилотларига (бундан буён – давлат органлари) ва хўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш;

Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган мурожаатлар "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қатъий амал қилган ҳолда, тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этиш;

Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларига юборилган мурожаатлар кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;

жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг қабулларини давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари иштирокида, шу жумладан видеоконференцалоқа орқали ўтказиш;

Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушаётган мурожаатларнинг қайд этилиши, умумлаштирилиши, тизимлаштирилиши ва кўриб чиқилиши устидан назорат қилиниши бўйича ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш ва юритиш йўли билан мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони таркибий тузилмасида Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати (бундан буён – Хизмат) тузилсин.

Хизмат зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклансин:

мурожаатларни кўриб чиқишда аниқланган тизимли қонунбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилган ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхона фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, шунингдек уларнинг фаолиятини меъёрий-услубий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш;

давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг мурожаатлар билан ишлаш борасидаги фаолиятини, шу жумладан жойларга сайёр чиқишларни ташкил этиш ҳамда келиб тушаётган мурожаатлар бўйича тезкорлик билан тегишли чора-тадбирларни кўриш орқали назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган, шунингдек тегишлилигига кўра давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларига юборилган мурожаатларни қабул қилиш, қайта ишлаш, кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиниши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;

мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, айбдор шахслар жавобгарлигининг муқаррарлигини таъминлашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

мурожаатларга асос бўлган тизимли қонунбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш юзасидан доимий таҳлиллар ўтказиш;

мурожаатлар билан ишлашни янада такомиллаштириш, фуқаролар билан очиқ мулоқотни кенгайтириш, аҳолининг давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Халқ қабулхоналари кадрлар таркибини аҳоли билан бевосита ишлаш учун зарур билимга, ташкилотчилик ва таҳлил қилиш қобилиятига, шунингдек маънавий-ахлоқий ва психологик фазилатларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан шакллантириш, тўлдириш ва мустаҳкамлаб бориш;

давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг мурожаатлар билан ишлаш борасидаги фаолияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам ахборот бериб бориш;

мурожаатлар билан ишлаш натижалари оммавий ахборот воситаларида тизимли ёритиб борилишини ташкил этиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

барча даражадаги Халқ қабулхоналари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг ходимлари ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек ҳар бир туман ва шаҳарда (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) тузилаётган Халқ қабулхоналари фаолиятини ташкилий, молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш тегишлилигича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимиятлари томонидан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ташкилий-кадрлар хизмати Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг бошқа хизматлари, Вазирлар Маҳкамаси ва Бош прокуратура билан биргаликда икки ҳафталик муддатда қуйидагиларни тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматининг тузилмаси, Низоми ва штатлар жадвали;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек ҳар бир туман ва шаҳарда (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) тузилаётган Халқ қабулхоналарининг намунавий тузилмалари ва намунавий низомлари.

6. Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари, барча даражадаги ҳокимлар:

жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр қабулларини, шу жумладан Халқ қабулхоналари томонидан ташкил этиладиган қабулларини мунтазам ўтказиб борсин;

ҳар ойда Хизматга мурожаатлар билан ишлашга оид, шу жумладан Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонадан кўриб чиқиш учун юборилган мурожаатлар билан ишлашга оид ўз ҳисоботини тақдим этиб борсин.

Давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари мурожаатлар тўғрисидаги қонунчилик талаблари ва нормаларини бузганликлари учун жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган жавобгарлик хусусида қатъий огоҳлантирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ойлик муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар юзасидан таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири бир ойлик муддатда Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхона фаолиятини самарали ташкил этиш учун барча ташкилий, молиявий ва моддий-техник масалалар ҳал этилишини таъминласин.

9. Мазкур Фармоннинг ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 28 декабрь

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ё.ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллиги

ХАЛҚИМИЗНИНГ УЛУҒ ШОИРИ

Эл-юртини севган, унинг тараққиёти ва фаровонлиги учун сидқидилдан хизмат қилган фарзандларни тарих ҳам сийлайди. Халқимизнинг тинч, тўкин ва барқарор ҳаёти, ёруғ келажаги йўлида курашган инсонлар номи ҳақли равишда абадиятга дахлдордир.

Бу жиҳатлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрдаги қарори билан ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига унутилмас ҳисса қўшган атоқли адиб, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш борасидаги эзгу ишларда яққол намоён бўлмоқда.

28 декабрь куни ўзбек адабиёти, санъати ва илм-фан соҳаси вакиллари, адибнинг мухлислари, ёшлар пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Ал-Хоразмий 1-тор кўчаси 7-уйда жам бўлди. Атоқли шоир 1966-2016 йилларда яшаб, ижод қилган бу хонадонда ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Бадиий академия раиси ўринбосари Ф.Тошмуҳамедов, адабиётшунос олим И.Ғафуров ва бошқалар атоқли шоиримизнинг ижодий мероси ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда ўзига хос мактаб эканини таъкидлади. Эркин Воҳидов адабиётда ҳам, ҳаётда ҳам феномен – ноёб ҳодиса эди.

– Менга қарийб ярим аср шундай беназир ижодкор билан қўшни яшаб, яқин ҳамсуҳбат бўлиш бахти насиб этган, – дейди шоирнинг дўсти Абдукарим Усмонхўжаев. – Эркин Воҳидов ўзбек мумтоз шеъриятини замонавий бадиий усуллар асосида янги босқичга олиб чиқди, унинг ижоди XX асрдаёқ катта бир дарёга менгзалгани бежиз эмас. Шоир хотирасини абадийлаштириш борасидаги бу эзгу ишлар халқимиз ва давлатимиз ўзининг "оқ суту туз ҳурмати"ни оқлаган дилбар фарзандини муносиб қадрлаётганининг гўзал бир ифодасидир.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯНИНГ ТЎРТИНЧИ МАЖЛИСИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2016 йил 27-28 декабрь кунлари Душанбе шаҳрида Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон делегациясини Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон қабул қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни ўзи учун қулай вақтда Тожикистон Республикасига расмий ташриф билан келиш таклиф этилган мактубини топширди.

Ҳукуматлараро комиссия мажлиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Азимов ва Тожикистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Давлатали Саид раислигида ўтди.

Мажлис натижалари томонлар мамлакатларимиз ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга катта аҳамият қаратаётганини яққол тасдиқлади.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ҳамкорлик халқларимизнинг асрлар давомида шаклланган яқин қўшничилик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтиришга интилишини мужассам этади.

Икки мамлакат ҳам ўзаро самарали ҳамкорликни янада кенгайтириш, иқтисодий соҳада қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва маданий алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор.

Комиссия мажлиси амалий, ўзаро ҳурмат ва ҳамфикрлик руҳида ўтди. Мажлис доирасида ўзаро ҳамкорликка оид кўплаб долзарб масалалар, жумладан, иқтисодиёт, савдо, транспорт, саноат, маданият, таълим, спорт ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги алоқаларнинг асосий параметрлари кўриб чиқилди. Савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишнинг асосий принцип ва ёндашувлари муҳокама этилди.

Томонлар муҳокама қилинган ва бошқа масалаларни ҳал этиш йўлларини белгилаб олди.

Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлисини 2017 йил Тошкент шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

ЎзА

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бухорода "Аҳил ва мустаҳкам оила – жамият таянчи" мавзусида минтақавий амалий семинар бўлиб ўтди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Хотин-қизлар қўмитаси ва "Оила" илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Бухоро ва Навоий вилоятлари туман ва шаҳарлари хотин-қизлар қўмитаси раислари, адлия бошқармалари мутахассислари, маҳалла фаоллари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани марказида замонавий ва миллий меъморлик андозалари асосида бунёд этилган фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг икки қаватли янги биноси фойдаланишга топширилди.

• Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида ўтказилган "Эркин Воҳидов ўзбек адабиётининг йирик намояндаси" мавзусидаги адабий-бадиий кечада адабиёт ихлосмандлари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, талабалар иштирок этди.

• Жиззах шаҳридаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби жамоаси Янги йил байрамини янги мактабда кутиб олмоқда. Замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талаблари асосида қад ростлаган мусиқа ва санъат мактабида фортепьяно, миллий ва замонавий чолғу асбоблари, анъанавий хонандалик, хореография, эстрада, тасвирий ва амалий санъат йўналишлари бўйича алоҳида синф хоналар, 200 ўринли замонавий концерт зали, кутубхона, тиббиёт хонаси барпо этилди.

ЖАҲОНДА

• Боливияда кучли қурғоқчиликдан сўнг тинимсиз жала қуйиши натижасида бир ҳафталик ёғингарчилик миқдори 10 сантиметрга етгани ҳолда сув тошқинлари юзага келди. Табиий офат натижасида 8 киши ҳаётдан кўз юмди, мамлакатнинг бешта департаментида пушти рангдаги хавфлилик ҳолати эълон қилинди.

• Филиппинга "Нок-тен" тўфони хуруж қилди. Шамолнинг тезлиги сониясига 70 метргача етаяпти. Тўққизта провинцияда вазият мураккаблиги айтилмоқда. Қарийб 100 минг кишини эвакуация қилиш зарурати юзага келган. Кемалар ҳаракати, самолётлар парвози ва поездлар қатнови вақтинча тўхтатилган.

• Япония пойтахти Токиода 6,3 магнитудали зилзила содир бўлди. Ер қимирлаши маркази денгиз тубидан 10 километрдан пастда эканлиги қайд этилди. Ҳозирча қурбонлар ва вайронагарчилик тўғрисида маълумот йўқ.

• Франция қирғоқларида Данияниng "Moller-Maersk" компаниясига тегишли иккита кема чўкиб кетди. Айтиш жоизки, мазкур сув транспортларининг яроқлилик муддати аллақачон якунига етиб бўлган эди. Шу туфайли улар утилизация қилиниб, темиртерсак сифатида фойдаланиш учун жўнатилганди. Кемаларда экипаж бўлмаган, резервуари ҳам ёқилғидан бутунлай тозалангани боис экологик хавф мавжуд эмас.

МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланаётган жаҳондаги саноқли давлатлардан бирига айланди. Мамлакатимизнинг дунё бозоридаги ўрни муттасил кенгаймоқда. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дунёнинг турли ҳудудларига экспорт қилинмоқда. Айниқса, бу енгил саноат тизимида салмоқли ўринни эгаллайди.



Ушбу тизим ташқи бозордаги фаол иштирокини мустаҳкамлаб бориб, биргина 2015 йили 254 та корхонадан қарийб бир миллиард долларлик маҳсулот четга экспорт қилингани қувонарлидир.

"Ўзбекенгилсаноат" АЖ ўтган йили асосий эътиборни хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига қўшма корхоналар очиш, мавжуд ишлаб чиқариш тармоқларини янада кенгайтиришга қаратди.

Шайхонтоҳур туманида жойлашган "ELEGANT GARMENT TEXTILE" масъулияти чекланган жамияти ҳам ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилаётган корхоналардан биридир. Корхона раҳбари Наргиза Бекмуродованинг таъкидлашича, 2016 йил апрель ойида иш бошлаган корхонада ўтган 9 ой мобайнида 200 га яқин иш ўрни яратилиб малакали тикувчилар саралаб олинди. Айни пайтда юз фоиз пахта толасидан маҳсулот ишлаб чиқарилиб, МДҲ мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Наргиза Бекмуродова билан цехни айланар эканмиз, бир маромда маҳсулот тикаётган чевар қизларнинг ишини кўриб ҳавасимиз келди.

— 2017 йилда режаларимиз катта, — дейди корхона раҳбари. — Германия давлатига экспорт қилиш ниятимиз бор. Экспорт ҳажмини уч бараварга оширишни мўлжаллаганмиз. Янги йилдан корхонани кенгайтириш орқали яна 800 та янги иш ўрни яратмоқчимиз.

Дарҳақиқат, замонавий технологиялар бугунги кун талабига жавоб беради. Бу ерда малакали ишчилар билан бир қаторда эндигина коллежни битириб келган тикувчиларни ҳам кўриш мумкин. Туркиядан келган мутахассислар икки-уч ой ичида коллеж битирувчиларининг маҳоратларини оширишга кўмаклашмоқда.

— Ишга келганимга уч ҳафта бўлди, — дейди яқинда коллежни битириб келган Мафтуна Қодирова, — устозларимнинг кўрсатма ва ўгитлари туфайли тикувчиликни мукаммал ўрганишга ҳаракат қилмоқдаман.

Корхонада 200 дан ортиқ турда катталару кичиклар учун трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти. Ўтган 9 ой давомида 4 миллион 700 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот четга экспорт қилинди. Тикув цехидаги дастгоҳлар ёрдамида бир йилда бир миллион дона маҳсулот тайёрлаш имконияти мавжуд.

— Цехимизда 120 нафар тикувчи меҳнат қилади. — дейди тикув цехи иш бошқарувчиси Назокат Ҳайматова. — Қизлар ўз ишининг моҳир усталари, асосий эътиборни сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратганмиз. Айни пайтда ёшлар учун футболка тикилаяпти.

Корхонада тикув, бичув, дазмоллаш цехларида иш доимо қизғин бўлади.

— Кесим цехида иш бошқараман, — дейди ўзини таништирган Мафтуна Жўраева. — Бу ерда 30- 40 чоғли йигит ва қизлар иш билан машғул. Иш хонамиз яхши, ҳамма шароит яратиб берилган. Шу корхонада ишлаётганимиздан хурсандмиз.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, "ELEGANT GARMENT TEXTILE" корхонасининг келажаги порлоқ. Яқин йиллар ичида корхона янада кенгайтирилади, модернизация ишлари олиб борилади. Шу туфайли яна қўшимча янги ишчи ўринлари яратилади. Экспорт салоҳияти қарийб икки-уч бараварга оширилади. Бу эса албатта замон талаби.

З. ШАРИФЖОНОВ

ХАЛҚИМИЗНИНГ УЛУҒ ШОИРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбир иштирокчилари ва адибнинг оила аъзолари атоқли шоир қабрини зиёрат қилди. Шоир қабрига гул қўйилиб, хотирасига ҳурмат бажо келтирилди, Қуръон тиловат қилинди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори миллий адабиётимиз ва маънавиятимизни юксалтириш, ижодкорлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш борасидаги юксак эътибор ифодаси эканини, атоқли шоиримиз ижоди ва унинг адабиётимизда тутган ўрни, ҳамиша ёш авлодни янгича тафаккур билан яшашга ундашдаги аҳамиятини таъкидлади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари И.Мирзаалиев, "Ўзбеккино" миллий агентлиги бош директори О.Мусаев ва бошқалар истиқлол йилларида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов асос солган маънавиятни юксалтириш, адабиёт ривожи ва ижодкорлар учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар бугун ҳам изчил давом эттирилаётганини таъкидлади. Бу улуғ ишлар силсиласида Эркин Воҳидов ижоди ҳам наинки миллий маънавият ва адабиётимиздаги жиддий бадиий-эстетик ҳодиса, балки ижоднинг бош мақсади – инсон ҳаётининг маъносини англаш-англатишда ўзига хос бадиий-фалсафий мактаб сифатида қадр ва эъзоз топаётир.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига кўра атоқли шоиримизнинг ўзбек тилида "Сайланма" асарлари, инглиз ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинган шеърий тўпламлари нашр этилди, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида "Эркин Воҳидов ижодининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти" мавзуида илмий конференция ўтказилди, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил қилинди.

Атоқли шоиримиз 1961 йили илк шеърий тўплами – "Тонг нафаси" билан ўзбек адабиётига янги нафас олиб кирди, шу боис тезда адабиётшунослар ва мухлислар тилига тушди, диллардан жой олди. Ўттиз уч ёшида "Ёшлик" девонини тузиб, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов таъкидлаганидек, "мумтоз адабиётимизнинг олтин эшиклари абадий беркилади, деб каромат қилинган паллада арузнинг табаррук остонасида посбон янглиғ пайдо бўлди". Ҳаёт гўзаллиги, инсон ҳаёти маъноси, маънавий камолот йўллари теран ифодаланган бу шеъриятда буюк ижодкор аждодларимиз асос солган бадиий йўл изчил давом эттирилди, янги, янада юксак босқичга олиб чиқилди.

Эркин Воҳидов 1968 йили "Ўзбегим" қасидасини ёзиб, она тилимиз хор бўлган, ўз миллати билан фахрланиш миллатчилик саналган, тарихимиз фақат қоронғиликдан иборатдек талқин қилинган, тарихий асар ёзганларга ўгай кўз билан қараладиган паллада ўз миллатини, буюк тарихимизни улуғлади. Шоирнинг бу жасорати – халқи бошига ташвиш тушганда, курашга чиқадиган катта ижодкорларга хос миллатпарварликнинг ёрқин намунаси эди.

– Эркин Воҳидовнинг истиқлол йилларидаги шеърлари топталган миллий қадриятларни тиклаш, ўзини топиш, ўзлигини таниш йўли машаққатли бўлиш билан бирга ғоят шарафли ҳам эканини яна бир бор тасдиқлади, – дейди филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов. – Шоир шеъриятида инсон ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатларидан, қарама-қаршиликларидан, ҳаёт диалектикасидан асло юз ўгирмайди, балки шу бетиним ҳаракатдаги диалектика ичида ҳаёт оқими билан курашиб, борлиққа дадил ва фаол таъсир кўрсатишга интилади.

Мустақиллик йилларида Эркин Воҳидов давлатимизнинг маънавий асосларини яратишда фаол иштирок этди. Бу жиҳатлар унинг ижодий ва ижтимоий фаолиятида ёрқин намоён бўлди. Ватанимиз озодлигини, халқимизнинг эркин, обод ва фаровон ҳаётини тараннум этадиган, инсон қадр-қимматини улуғлайдиган янги шеърий асарлари, она тилимиз, миллий қадриятларимиз, буюк аждодларимиз меросини асраб-авайлашга бағишланган китоблари минглаб оилаларга, миллионлаб қалбларга кириб борди. Ватанимиз атоқли адибнинг ўзбек адабиёти ва санъатини ривожлантиришдаги хизматларини юксак тақдирлади: Ўзбекистон Қаҳрамони фахрий унвони берилди, "Дўстлик", "Буюк хизматлари учун" орденлари билан мукофотланди.

– Журналимизнинг биринчи бош муҳаррири Эркин Воҳидов бўлгани бизга ғурур ва масъулият бағишлайди, – дейди "Ёшлик" журнали бош муҳаррири Нодир Жонузоқ. – Устоз шеъриятидаги тиниқлик ва табиийлик, соддалик ва теранлик, мусиқийлик ва равонлик, фикр ва туйғу мувозанати – улкан истеъдод, ҳаётий тажриба ва қаттиқ тобланган маҳорат маҳсулики, бу мақомга фақат ҳавас қилиш мумкин. Эркин Воҳидовнинг бадиий мактаби ўзбек адабиёти куч-қудратини дунёга танитадиган ижодкорлар учун кўп йиллар маҳорат бешиги бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

...Орадан йиллар, асрлар ўтса-да, "Ватан, то танда жоним бор, сенингдирман, сенингдирман" деган халқимизнинг бу оташнафас ва дилбар шоири ўз асарлари билан "тирик сайёра" янглиғ авлодларга комиллик, тинчлик, ватанпарварлик, адолат, софлик каби эзгу фазилатлар ва гўзал туйғулардан сабоқ бераверади.

Бу жиҳатлар Ўзбек Миллий академик драма театридаги адабий-бадиий кечада намойиш этилган адиб ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги ҳужжатли фильмда ҳам ўз ифодасини топган.

Тадбирда Эркин Воҳидовнинг рафиқаси Гулчеҳра Воҳидова атоқли шоир таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш борасидаги юксак эъзоз-эътибор учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдирди.

Маросимда Эркин Воҳидов севган ва унинг ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлардан иборат концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов иштирок этди.

Умид ЁҚУБОВ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, сайёҳлик фирмалари, меҳмонхоналар раҳбарлари, туристик объектлар масъул ходимлари иштирок этган тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.Шаропов ва бошқалар мазкур фармон туризм индустрияси ривожида янги босқични бошлаб бергани, унда соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, мамлакатимиз сайёҳлик имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича улкан вазифалар белгиланганини таъкидлади.

Тадбирда туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш, соҳанинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш, ҳудудларда туризм маҳсулотлари яратиш ва уларни жаҳон бозорида тарғиб қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар кўриб чиқилди. "2017-2021 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш концепциясининг дастлабки режаси", "Ўзбекистон Республикасида туризм имкониятлари: ҳолати, таклиф ва тавсиялар, амалиётга татбиқ этиш механизмлари", "Туризм соҳасида халқаро ҳамкорлик ва инвестиция" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Йиғилишда халқаро тажриба ва Ўзбекистон амалиётининг муваффақиятли жиҳатларидан кенг фойдаланиш, мамлакатимизда оммалашган маданий-тарихий туризм билан биргаликда сайёҳликнинг бошқа салоҳиятли турларини ҳам изчил ривожлантириш, ҳудудларда янги туризм йўналишларини ташкил этиш ва уларни паспортлаштириш, ички ва ташқи туризм бўйича миллий ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш учун кадрлар малакасини ҳамда хизматлар маданиятини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Сайёҳлик фирмалари ва меҳмонхоналар раҳбарлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Севара АЛИЖОНОВА,
ЎзА мухбири

КАСБ ТАЙЁРГАРЛИГИ ОШМОҚДА

Кейинги йилларда қўриқлаш хизматининг замон талабларига жавоб бериши, ишончлилиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Тизимга замонавий қўриқлаш ва хавфсизлик воситаларининг татбиқ этилиши ҳамда шахсий таркибнинг жанговар ва касб тайёргарлигининг ортиб бораётгани фуқаролар, турли ташкилот ва муассасаларнинг ушбу хизматга ишончини оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Қўриқлаш бирлашмаси томонидан "Қўриқлаш хизматининг бугунги кунда ишончлилиги ва самарадорлиги" мавзусига бағишланган матбуот анжуманида ҳам бу алоҳида қайд этилди.

Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, фуқаролар, ижтимоий соҳа объектлари, моддий ва маънавий бойликлар дахлсизлигини таъминлаш, уларга бўладиган турли хавф-хатарларнинг олдини олишда Республика ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда ушбу қўриқлаш бўлинмаларида 179 та техник қўриқлаш пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан жами 12 мингдан ортиқ ижтимоий соҳа объектлари, шунингдек, тўққиз мингдан зиёд фуқаро хонадонлари ҳам қўриқланмоқда.

Тадбирда қўриқлаш сифатини оширишда замонавий технологияларни жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим ўрин тутиши, шу боис қўриқлаш бўлинмаларининг моддий-техник базасини янгилаш борасида ишлар олиб борилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Фойдаланилаётган қўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантириш воситаларини замонавийларига алмаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилган. Хизмат фаолиятида микроэлектроника ва микропроцессор техникасининг энг сўнгги ютуқларига асосланган асбоб-ускуналардан фойдаланилмоқда. Бу эса қўриқлашнинг самарадорлиги ва ишончлилигини оширади.

Бугунги кунда қўриқлаш бўлинмаларини қайта жиҳозлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Асосий эътибор техник қўриқлаш пультларини сўнгги техникалар билан қайта жиҳозлашга ва эскиларини алмаштиришга қаратилган. Жумладан, шу кунларда Тошкент шаҳрида янги хабар узатиш тармоқлари синовдан муваффақиятли ўтганлиги сабабли Мирзо Улуғбек, Учтепа, Юнусобод ва Чилонзор туманлари ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимларининг техник қўриқлаш пунктларига замонавий интегралаштирилган маълумотни узатувчи ва қабул қилувчи қурилмалари ўрнатилди. Бундай технологияларни шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, анжуманда қўриқлашнинг "ташвиш" тугмачаси хизмат туридан фойдаланишга талаб ортиб бораётгани таъкидлаб ўтилди. Бунда хонадон сигнализация орқали техник қўриқлаш пунктига уланади. Пунктда рация, автомашина, шахсий ҳимоя воситаларига эга бўлган қўлга олиш гуруҳи навбатчилик қилади. Улар "ташвиш" тушган хонадонга 3-5 дақиқа ичида етиб бориб муаммони бартараф этади. Хизматнинг бу туридан корхоналар, банклар ва бошқа муассасаларда самарали фойдаланилмоқда.

Абдуалим САЛИМОВ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги томонидан "Архив фаолиятини автоматлаштириш ва архивларда ахборот-коммуникацион технологияларини жорий этишнинг долзарб масалалари"га бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

АРХИВ СОҲАСИ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

"Ўзархив" агентлиги бош директори ўринбосари Д.Кучарова, Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви директори Б.Аҳмедова ва бошқалар бугунги глобаллашув даврида ахборот олишга бўлган эҳтиёж тобора ошиб бораётгани архивлар фаолиятини ривожлантиришга янгича ёндашувни талаб этаётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида архив ишини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Соҳада яратилган қонунчилик тизими архивларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, электрон архив фондларини яратиш ҳамда рақамлаштиришнинг замонавий ускуналари билан жиҳозлашда муҳим аҳамият касб этаётир. 2008 йилдан бошлаб барча давлат архивларида ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланилган ҳолда асл ҳужжатларнинг умрини узайтириш мақсадида алоҳида қимматли ҳужжатларнинг электрон нусхаларини яратиш ишларига киришилди. Ҳозирга қадар давлат архивларида сақланаётган алоҳида қимматли ҳужжатларнинг 75 фоизи электрон шаклга ўтказилди.

Бугунги кунда ахборот олишга бўлган эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Аҳолининг архив ҳужжатларидан фойдаланиши учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида "Ўзархив" агентлиги www.archive.uz сайти мунтазам фаолият юритмоқда. Ушбу сайтда "Хизматлар" ва "Интерактив хизматлар" туркумларида фуқароларга архив муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматларга оид кенг кўламли маълумотлар ҳавола қилинган.

Жисмоний ва юридик шахсларга янада кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида агентлик веб-сайтида ҳужжатларнинг қидирув тизими жорий этилиб, давлат архивларида сақланаётган 57 минг 235 та корхона, ташкилот ва муассасаларнинг шахсий таркиб ҳужжатлари тўғрисида маълумотлар жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивлари, Тошкент шаҳри, Сирдарё, Андижон, Қашқадарё, Жиззах ва Фарғона вилоятлари давлат архивларида жорий этилган замонавий ахборот киосклари нинг электрон базалари янада кенгайтирилди.

– Бу каби қулайликлар туфайли давлат архивлари ўқувхоналарида архив ҳужжатларидан фойдаланувчилар ва қизиқувчиларнинг сони тобора ортмоқда, – дейди "Ўзархив" агентлиги бўлим бошлиғи Анвар Алиев. – Биргина жорий йилнинг ўзида 31 минг 400 дан ортиқ ҳужжат фойдаланувчилар томонидан ўқувхоналарда кўриб чиқилган. Ўз навбатида фуқароларнинг мурожаатларига тезкор, қулай ва ўз вақтида жавоб қайтарилиши архив муассасалари билан фуқаролар ўртасида ишчан алоқалар мустаҳкамланишига замин яратмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига мутахассислар жавоб қайтарди.

Ш.МАМАТУРОПОВА

Халқимизнинг тинч, фаровон ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароит яратилган. Бу давлатимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки йилларидан узоқни кўзлаб, инсон манфаатларига йўғрилган туб ислоҳотлар ҳаётга жорий этилгани самарасидир. Энг муҳими, юртдошларимизнинг барча орзу-умидлари ижобатининг мустаҳкам асоси – тинчлик ва барқарорлик изчил таъминланмоқда.

Янги йил байрами

БАЙРАМ ТИНЧ, ОСОЙИШТА ЎТИШИ УЧУН БАРЧА ЧОРАЛАР КЎРИЛДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев тинчлик, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити бебаҳо бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканига алоҳида эътибор қаратаётир.

ЎзА мухбири ана шу мақсадда амалга оширилаётган ишлар ва яқинлашиб келаётган Янги йил байрамини осойишталик билан ўтказиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида **Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари Саидкарим НИШОНБОЕВ** билан суҳбатлашди.

– Ҳозирги мураккаб замон тинч-осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкамлаш, халқимизнинг кафолатланган хавфсизлигини таъминлаш масаласини янада долзарб қилиб қўймоқда, – дейди С.Нишонбоев. – Бунинг учун доимо огоҳ ва сергак бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш талаб этилаётир. Ички ишлар идораларининг фаолияти ана шу асосда такомиллаштирилмоқда.

2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонуни соҳа фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Зеро, тизим ходимларининг фаолияти давлат ва жамият олдида ўта муҳим аҳамият касб этади. Асосий мақсадимиз – фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш, тинчлик, осойишталикни сақлашдир.

Ушбу вазифалар Ички ишлар вазирлигининг жиноят-қидирув ва терроризмга қарши курашиш, тергов, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш, ёнғин хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги, қўриқлаш хизматлари фаолиятида доимо устувор ва бу йўлда барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Соҳанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланган, хусусан, ходимлар жаҳон андозаларига мос алоқа, техника ва замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминланган, тизимни нафақат жисмонан, балки маънан етук кадрлар билан тўлдиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ишлар самарадорлигини ошираётир.

– Янги йил байрамини тинч ва хотиржам ўтказиш юзасидан қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

– Байрамни кўнгилдагидек ўтказишда осойишталикни сақлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ички ишлар идоралари тизимида байрам кунлари тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тасдиқланган режа асосида амалга оширилмоқда. Бунда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Юртимизнинг ҳар бир гўшаси, айниқса, байрам тадбирлари ўтказиладиган жойлар соҳа ходимларининг алоҳида эътиборида. Нохуш ҳолатлар юзага келишига йўл қўймаслик, хавфсизликни таъминлаш юзасидан махсус рейдлар ўтказилаётир. Бу жараёнда маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, посбонлар фаол иштирок этмоқда. Тадбирлар давомида аниқланаётган камчиликлар, ҳуқуқбузарликлар ўз вақтида бартараф этилаётир.

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга оид фаолияти янада кучайтирилди. Ушбу хизмат нафақат жиноятчиликка қарши курашиш, балки ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш каби вазифаларни самарали адо этмоқда. Улар маҳалла фаоллари билан яқин ҳамкорликда фуқароларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш, вояга етмаганлар, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка, спортга кенг жалб этиш ишларини изчил йўлга қўймоқда. Бу маҳаллалар муҳитининг тобора соғломлашишига хизмат қилаётир. 2016 йилнинг ўтган даврида мингга яқин маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани бунинг тасдиғидир.

Маҳаллалар ва корхоналарда ҳушёрлик ва огоҳликка чорловчи тарғибот тадбирлари ташкил этилаётгани юртдошларимизда ўз уйини, маҳалласини асраш, уни ёвуз ниятли кимсалардан ҳимоя қилиш туйғусини янада мустаҳкамлаётир.

– Янги йил яқинлашиши билан пиротехника воситалари пайдо бўлиши сир эмас. Унинг бозорларимизга ноқонуний кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

– Пиротехника воситаларининг инсон саломатлигига зарари ва ёнғинларни келтириб чиқариши мумкинлиги инобатга олиниб мамлакатимизда улардан ноқонуний фойдаланиш тақиқланган. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик, тайёрлаганлик, сақлаганлик, ташиганлик, жўнатганлик, улардан фойдаланганлик, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кирганлик ёки сотганлик учун ҳуқуқбузарлик буюмларини мусодара қилиш билан бирга жиноий ва маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Аммо нафсини жиловлай олмаган айрим кимсалар томонидан пиротехника воситаларини юртимизга яширинча олиб кириш ва сотишга уриниш ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Мисол учун, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида яшовчи Қаҳрамон Ражапов пиротехника воситаларини сотиш мақсадида олиб кетаётган вақтда қўлга тушган. Унинг юкхалталари кўздан кечирилганда 5,5 миллион сўмликка яқин турли пиротехника воситалари борлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олинган.

Тошкент шаҳар Олмазор туманида яшовчи Ҳакима Аҳмедова ўз хонадонидан пиротехника воситаларини сотиш мақсадида олиб чиқаётган вақтида тўхтатилган. Унинг маҳсулотлари кўздан кечирилганда, хорижда ишлаб чиқарилган умумий нархи 9,3 миллион сўмликдан зиёд "салют"лар борлиги аён бўлган. Пойтахтимиздаги Фарҳод деҳқон бозори ҳудудида ўтказилган тадбир давомида фуқаро Шаҳобиддин Юсупов кўп миқдорда пиротехника воситаларини сотаётгани аниқланган.

Пиротехника воситаларининг ноқонуний айланишига чек қўйиш борасида 37 мингдан ортиқ рейд ўтказилди. Натижада 127 ҳолат аниқланиб, улар юзасидан тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун тегишли идораларга юборилди. 150 мингга яқин пиротехника воситалари мусодара қилинди.

– Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳам осойишталикнинг муҳим омилларидан. Бу йўналишда амалга оширилган ишлар қандай самара бермоқда?

– Байрам арафасида ёнғин хавфсизлиги тадбирлари янада кучайтирилди. Соҳа ходимлари аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан тушунтириш ишларини давом эттирмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ёнғин хавфсизлиги хизматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимларнинг жанговар тайёргарлигини, касб кўникмаларини ошириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ижобий натижа бермоқда. Мисол учун, сўнгги беш йилда содир бўлган ёнғинларнинг деярли 80 фоизи бошланғич даврида бартараф этилди. Натижада минг нафарга яқин инсон ҳаёти асраб қолинди. 460 миллиард сўмликдан ортиқ мол-мулк кутқариб қолинди.

Мамлакатимизда 2016 йил 10 ноябрдан 2017 йил 10 январгача ёнғин, йўл ҳаракати, электр ва саноат хавфсизлиги, газ, электр ва иссиқлик энергияси, кўмирдан хавфсиз ва оқилона фойдаланиш икки ойлиги эълон қилинган. Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати томонидан икки ойликка мўлжалланган чоратадбирлар изчиллик билан бажарилмоқда. Шу мақсадда тузилган тезкор штаб ва унинг ишчи гуруҳи фаолият юритаётир.

Ёнғинларнинг асосий қисми фуқаролар хонадонларига тўғри келаётгани инобатга олиниб, тадбир давомида 5,5 миллион аҳоли турар жойлари кўздан кечирилди.

Ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларини янада кенгроқ тарғиб қилиш ва болаларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўргатиш мақсадида мактаб, мактабгача таълим муассасалари ва бошқа таълим муассасаларида болалар иштирокида викторина ҳамда танловлар ўтказилди. Ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларини тарғиб қилувчи кўплаб турдаги эслатма ва плакатлар тарқатилди.

Давлат ёнғин назорати органлари ходимлари томонидан ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларини бузган ёки уларни бажармаётган 6 минг масъул шахс ва фуқароларга нисбатан 292 миллион сўм миқдорида жарима солинди. Ёнғин содир бўлишига олиб келиши мумкин бўлган 1,6 мингдан зиёд муассаса, омборхона ва алоҳида бинолар нинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди. 17 мингга яқин носоз электр мослама, агрегат ва электр тармоқларидан фойдаланиш тақиқланди.

Қайд этиш керакки, байрам кунлари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда. Йўл-патруль хизмати масканларида автотранспорт воситалари қатъий текширувдан ўтказилаётир. Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун барча жамоат транспортлари техник кўрикдан ўтказилди. Байрам тадбирлари ўтказиладиган майдонлар атрофидаги йўллар ва йўл белгилари кўздан кечирилиб, камчиликлар бартараф этилди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда Янги йил байрамини кўнгилдагидек ўтказиш учун барча зарур қулайликлар яратилиб, хавфсизликни таъминлаш йўлида изчил тайёргарлик кўрилмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди

АДАБИЙ-БАДИИЙ КЕЧА

Айни пайтда пойтахтимиздаги 2-Тошкент юридик коллежида қарийб 2700 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Таълим масканида ёшларнинг чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Куни кеча коллежда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб "Шоирнинг издошлари" мавзуида адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Унда таниқли адабиётшунос олимлар, таълим муассасаси ўқитувчилари, ёшлар ва адабиёт ихлосмандлари қатнашди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори нафақат Эркин Воҳидов, балки мамлакатимизда адабиётга, маънавиятга қаратилаётган эътибор, ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган барча ижод аҳлига кўрсатилган эҳтиром намунаси эканлиги таъкидланди.

Бадиий кечада ижодкорнинг Ватанимиз озодлигини, халқимизнинг эркин, обод ва фаровон ҳаётини тараннум этган, инсон қадр-қимматини улуғлаган шеърий асарлари, она тилимиз, миллий қадриятларимиз, буюк аждодларимиз меросини асраб-авайлашга бағишланган асарлари ҳамда китоблари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Коллеж ўқувчилари шоирнинг шеърий асарларидан намуналар ўқишди.

— Шоир ижоди, адабиёт ҳақидаги қарашларининг маънавий-тарбиявий аҳамияти, таржимашунослик маҳоратини бугун икки оғиз сўз билан ифодалаб бўлмайди, — дейди Ўзбек тили ва адабиёти университети доценти, филология фанлари номзоди Шермуҳаммад Омонов. — Эркин Воҳидовнинг бой адабий мероси фарзандларимиз учун ўлмас хазина бўлиб қолганига шубҳа йўқ. Бугунги тадбирда шеърлар ўқиган ўғил-қизларимизнинг чиқишларини кузатар эканмиз, ёшларимиз орасида гўзаллик ва эзгулик куйчисининг муносиб ворислари вояга етаётганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Эркин ХОЛБОБО

НАВОИЙ ИЖОДИГА БАҒИШЛАНДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Навосоз улуснинг навобахши бўл" деб номланган адабий-мусиқий кеча бўлиб ўтди.

Улуғ мутафаккир бобомиз ижодий меросига бағишланган тадбирга адабиётшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда жаҳон маданияти, илм-фани, маърифати равнақига бетимсол ҳисса қўшган аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, уларнинг ёшлар тарбиясидаги таъсири, ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Алишер Навоий асарларини тўлиқ чоп этиш, унинг маъно-мазмунини халқимиз, айниқса ёш авлодга тушунтириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Навоий ижодининг ўзига хос оҳанрабоси бўлиб, унда она тилимизнинг бойлиги ва бетакрорлиги, сержилолиги, жозибаси ва нафосати, гўзаллиги ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Мумтоз мусиқа санъатимизда Алишер Навоий ғазаллари билан айтилувчи қўшиқлар салмоқли ўрин эгаллайди. Даҳо шоир шеърияти асрлар давомида буюк мусиқачилар томонидан яратилган мусиқий асарларга, улардаги оҳангларга уйғундир. Шу боис ҳам Навоий сўзлари билан ижро этилиб келинаётган ашулалар ўзбек мумтоз мусиқасининг энг нодир намуналари саналади.

Тадбирда Ўзбекистон давлат консерваторияси ўқитувчилари ва талабалари ижросида Навоий ғазалларига басталанган ашулалардан намуналар ижро этилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР – МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази матбуот анжумани ўтказди.

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига ҳужжатлар қабул қилиш муддати 15 июндан 15 июлга қадар бўлади. Олий ҳарбий таълим муассасаларидаги тест синовлари эса 5 июль куни ўтказилади.

Бу абитуриентларга янада кўпроқ қулайлик яратиш, таълим муассасаларини тест жараёнига тайёрлаш, белгиланган бинолар ва аудиторияларни керакли жиҳоз ва ускуналар, ўқув воситалари билан таъминлаб, муддатидан олдин шай ҳолатга келтириш имконини беради.

Давлат тест маркази директори ўринбосари Қ.Ҳақбердиев ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий, маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги юксалиб, жаҳон андозалари ва замон талабларига мос бўлган таълим стандартлари амалиётга жорий этилаётганини таъкидлади.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил 26 майдаги "2016-2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларининг бакалавр таълим йўналишларига 57 минг 907 талаба, жумладан, 19 минг 120 талаба давлат гранти, 38 минг 787 талаба тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинди. 174 ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида саралаш тест синовлари ташкил этилиб, унда 138 минг 214 ўқувчи иштирок этди. 10 олий ҳарбий таълим муассасасида ўтказилган тест синовларида 6 минг 163 абитуриент қатнашди.

2016-2017 ўқув йилида Тошкент давлат техника, Тошкент давлат аграр, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетлари, Тошкент архитектура-қурилиш, Тошкент кимё-технология, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият, Андижон қишлоқ хўжалиги, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтлари, Тошкент тиббиёт академиясида янги таълим йўналишлари очилди.

